

Рўза тутиш ва намозларнинг қазосини ўқиш ҳукми



16:05 / 15.09.2020 3674

Савол:

Намоз ўқишни ва рўза тутишни 21 ёшимда бошлаганман. 12 ёшдан 21 ёшгача намоз ўқимаганман, рўзани эса баъзан тутиб турардим. Шу қолган намоз ва рўзаларнинг қазосини ўқиб-тутиб бериш бизнинг мазҳабимизда фарзми, вожибми ёки суннатми?

Жавоб: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ўз вақтида адо этилмаган фарз рўза ва намозларнинг қазосини қилиш фарздир. Уларни қўлдан келганича қилиб боравериш керак. Баъзиларга ўхшаб, фалон нарсани қилса, қазо намоз ўқимаса бўлар экан, демаслик лозим. Яна бошқаларга ўхшаб, қазо намоз ва рўзаларни ҳисоблаб, бунча

нарсани қандай бажараман, деб ўзини ортиқча қийнаш ҳам керак эмас.

Кундалик ҳаётини оддий ҳолда ўтказиб, бўш вақтларда қазо ибодатларини бажариб боравериш лозим.

Валлоҳу аълам.

«Зикр аҳлидан сўранг» китобидан олинди